

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент кимё-технология институти

Шахрисабз филиали Директори

Муталов Ш.А.

2022 йи



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Тошкент кимё-технология институти

Шахрисабз филиалига қуийдаги маҳсулотларни олиш.

1.2. Танловга қуилаётган ҳизматлар:

Танловдаги ҳизматлар номи	Муассасада мавжуд Ускуналар: Проектор Моноблоклар, Серверларни тўлиқ таъмирлаш ҳизматларини ўз ичига олади (блок питания 19 В 7А 3 дона, Материнская плата 4 дона, Матрица 23,8 2 дона ССД 256 ГБ 3 дона, Проектор лампа 3 дона, NVR ННД 6 tb (Оригинал) 1 дона, Сервер учун ННД 4 tb (Оригинал) 2 дона, Сервер аккумулятор (Оригинал) 12 в 9а 8 дона янгилаш ва установка система килиш ҳизматлари.
---------------------------	---

2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб топилган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 . Тошкент кимё-технология институти Шахрисабз филиали (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) —танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳар Шахрисабз 20 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Тошкент кимё-технология институти Шахрисабз филиали «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катийй назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

1) Бажарувчи корхона таклиф билан бирга корхона ретинги, корхона гувохномаси, раҳбарнинг буйруғидан кўчирма, раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим. Махсулот

2) Ҳисоб рақамида объект кийматининг 30% миқдорида маблағ мавжудлиги тўғрисида банкдан тасдикланган маълумот хамда хизматларга 2 йиллик кафолат. Агар шу муддат ичida нуқсон чиқса ўрнига тенг миқдорда етказиб берувчи ҳисобидан сифатлисига алмаштирилади.

3) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиги тўловчиси булса, унинг гувохномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр холатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот ва инсофисиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўқлиги тўғрисида маълумот хамда ндс толовчи туғрисида гувохнома бўлса тақдим қилиши;

4) Охирги йил ичida ва x/r айланмасида шу ва шунга ўхшаш хизматлар (товарлар) олди сотди билан ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги (баланси, дт/кт, ф-2. сч (фактура)

5) Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун техник ходимларнинг мавжудлиги.

6) Хизматни бажариш учун транспорт воситаларини мавжудлиги.

3.3. Агар танлов предметти бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3 Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- Техник таклиф, Фирмени бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

- Техник хужжатлар рўйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

- Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқилийги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда элон килинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси Йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров

юборишига хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.

(Харидлар бўйича мутахассис

Н.Бобомуродова

Н.Бобомуродова